



ЗИЁРАТ ТУРИЗМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ТУРИСТИК КЛАСТЕРЛАШ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Эргашев Рахматулла Хидирович

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, и.ф.д. профессор

ORCID: <https://orcid.org/0009-0008-9794-9859>

Узақов Жамшид Норбоевич

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, мустақил изланувчи

ORCID: <https://orcid.org/0009-0002-6420-9076>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss4/i16

Аннотация

Мақолада зиёрат туризм самарадорлигини оширишда туристик кластерларни шакллантириш моделлари ишлаб чиқилган, туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда кластер усулларида фойдаланиш тажрибаси бўйича фикрлар олимлар талқини орқали асосланган ҳамда туристик кластерларни ташкил қилиш ва ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. Зиёрат, зиёрат кластери, туризм, самарадорлик, кластер, модел, дестинация, концентрация, муқаддас маскан, қўшилган қиймат занжири, ақлли зиёрат ҳудуди.

ПУТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕТОДА ТУРИСТСКОЙ КЛАСТЕРИЗАЦИИ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПАЛОМНИЧЕСКОГО ТУРИЗМА

Эргашев Рахматулла Хидирович

Каршинский инженерно-экономический институт, д.э.н., профессор

Узақов Жамшид Норбоевич

Каршинский инженерно-экономический институт, независимый соискатель

Аннотация

В статье разработаны модели формирования туристских кластеров для повышения эффективности паломнического туризма, обоснован опыт использования кластерных методов в развитии рынка туристических услуг, а также даны предложения и рекомендации по организации и развитию туристских кластеров.

Ключевые слова: паломничество, кластер, туризм, эффективность, кластер, модель, дестинация, концентрация, святое место, цепочка добавленной стоимости, умная зона паломничества.

METHODS OF USING THE TOURIST CLUSTERING METHOD TO IMPROVE THE EFFICIENCY OF PILGRIMAGE TOURISM

Ergashev Rakhmatulla Khidirovich

Karshi Engineering-Economics Institute, Doctor of Economics, Professor

Uzakov Jamshid Norboevich

Karshi Engineering-Economics Institute, independent applicant

Abstract

articles on pilgrimage tourism, suggestions and recommendations are given for re-modeling of tourist clusters, the use of information on the delivery of cluster methods in the development of tourism through the interpretation of researchers, and the organization and development of tourist clusters.

Keywords. pilgrimage, pilgrimage cluster, tourism, efficiency, cluster, model, destination, concentration, holy place, added value chain, smart pilgrimage area.

Кириш

Бугунги кунда зиёрат туризм соҳасининг ривожланиши ва уни иқтисодийнинг етакчи соҳаларидан бирига айлантириш бу эса мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш ва жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини оширишдаги аҳамияти билан боғлиқ.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан “2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистон тараққиёт Стратегияси”да зиёрат туризм соҳасини ривожлантиришнинг устувор мақсадларидан бири сифатида, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш, Республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш вазифаси қўйилган.

Бундан ташқари, мамлакатимиз иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг ҳозирги шароитларида зиёрат туризм соҳасининг инвестицион жозибдорлигини ошириш, давлат ва хусусий бизнеснинг шериклик механизмидан фойдаланган ҳолда зиёрат туризм самарадорлигини оширишда туристик кластерлаш усулидан фойдаланиш йўллари қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Ҳозирги пайтда кластер стратегияси ва унинг имкониятларидан фойдаланиш кундан-кунга долзарб масалалар қаторидан жой олмоқда. Бу борада хорижлик М.Портер [1], М.Энрайт [2], М.Ј. Enright [3], А.В. Митрофанова [4], Т.В.Миролюбова [5] каби олимларнинг ғояларида кўришимиз мумкин.

Туризмда кластерлаш масалалари юзасидан мамлакатимиз олимларидан М.Т.Алимова [6] “ҳудудий давлат бошқаруви органлари таркибида истиқболли туристик кластерни шаклланиши ва ривожланишига кўмаклашиш, кластер дорасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўзаро мувофиқлаштириш, унинг ривожланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уларнинг ижро этилишини назорат қилиш вазифаларини бажарувчи ишчи гуруҳнинг ташкил этилиши эса ушбу йўналишдаги масалаларни амалга ошириш самарадорлигини оширишга хизмат қилади” каби фикрларни;

А.М.Абдувоҳидовнинг [7] “Туризмда инвестиция лойиҳаларини такомиллаштиришда асосан туристик корхона ва хусусий туристик фирмаларнинг ҳам алоҳида ўрни бўлиши керак. Чунки мамлакатга инвестиция ажратмоқчи бўлган хорижий компаниялар энг аввало мамлакат туристик корхоналарнинг иқтисодий ривожланганлик даражасига ҳамда фаолиятнинг келгусида даромад олиб кела олиш режаларига алоҳида эътибор қаратадилар” фикрлари;

Е.В. Гольшева [8] “Туризм соҳасини ривожлантиришда фан, таълим, бизнес ва маданият субъектларининг биргаликдаги таълим фаолияти учун илмий-таълим туристик кластер кўринишида таълим тизимини инновацион бошқаришнинг янги механизмини жорий этиш” каби фикрларини юритишган.

Шунингдек, С.Нурматова [9], С.Р.Сафаева [10], Б.Х.Тураев [11], О.Ҳ.Ҳамидов [12]ларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Демак, Ўзбекистонда кластер ёндашувида зиёрат туризмни халқаро миқёсда ривожлантириш мақсадида илғор кластер моделларини ўрганиб, уларни туристлар ташриф буюрадиган диққатга сазовор жойларини турларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу эса туризмнинг минтақа иқтисодиётига ижобий таъсири кучайишига ёрдам беради.

Тадқиқот методологияси. Ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида зиёрат туризмнинг самарадорлигини ошириш бўйича туристик кластерлар фаолияти юзасидан таклиф ва тавсиялар келтирилган. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, абстракт-мантиқий фикрлаш, таққослаш, омилли таҳлил ва қиёсий таҳлил этиш усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Зиёрат туристик кластерларини хусусан, шакллантиришнинг муҳим босқичларидан бири мукамал кластер моделини тузишдан иборат. М.Портер кластернинг иқтисодий моделини мукамал даражада тузиш йўлини кўрсатган.

Унинг тўртта “*бриллиант ромблари*”:

- 1) стратегия, тузилиш ва рақобат;
- 2) талабнинг ҳолати;
- 3) омиллар учун шарт-шароитлар;

4) турдош ва қўллаб-қувватловчи соҳалар йиғиндиси, айнан қиймат яратиш билан боғлиқ тузилмаларини шакллантиришини ёрқин ифодалайди[1]. Унинг машҳур “бриллиант ромблари” турли тармоқ ва соҳаларда кластер моделларини яратишда методологик асос сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистонда кластер ёндашувида зиёрат туризмни халқаро миқёсда ривожлантириш мақсадида, сайёҳлик амалиётида қўлланиб келинаётган илғор кластер моделларини ўрганиб, уларни туристлар *ташриф буюрадиган диққатга сазовор жой* (дестинация)ларини қай даражада инobatга олганлиги бўйича учта турларини ажратишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Булар:

- 1.Туристик кластерларни шакллантиришнинг *тармоқ* моделлари.
- 2.Туристик кластерларини шакллантиришнинг *минтақавий* моделлари.
- 3.Кластерларни шакллантиришнинг *туристик ҳудуд (дестинацион)* моделлари.

Масалан, Ўзбекистонда етиштириладиган қовунларни хорижлик фуқаролар истеъмол қилмоқчи бўлсалар, қовунларни улар яшайдиган ҳудудларга етказиб бериш керак бўлади. Лекин, хорижлик сайёҳлар мамлакатимиздаги обидаларни кўриш ёки муқаддас жойларни зиёрат қилиш истак-хоҳишини амалга ошириши учун, уларнинг Ўзбекистонга ташриф буюришига тўғри келади. Шунинг учун, зиёрат туристик кластер моделини шакллантиришда кластер яратишнинг қўшилган қиймат занжирини яратиш мақсадида корхоналарни бирлаштириш (*тармоқ жиҳати*) билан бир қаторда, унинг

ҳудудга мансублиги, бирлаштирадиган корхоналарининг территориал яқинлиги (ҳудуд жиҳати)ни ҳам инobatга олиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Туристик кластерларини шакллантиришнинг *минтақавий* моделлари ҳудудлардаги сайёҳлик салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида шакллантирилади. “Минтақавий кластер, - америкалик иқтисодчи М.Энрайт таърифига кўра, - бу бир ёки бир нечта бир-бирига боғланган иқтисодиёт тармоқларида фаолият кўрсатадиган фирмаларнинг географик бирлашмасидир. Минтақавий кластер кичик ва ўрта корхоналар жойлашган sanoat райони; умумий ишлаб чиқариш усулларидан фойдаланиш ва ривожланиш билан боғлиқ бўлган юқори технологик фирмаларининг концентрациясидан иборат бўлиши мумкин” [2].

Минтақавий туристик кластер - бу горизонтал алоқалар билан бирлаштирилган туризм соҳаси ва у билан боғланган турли тармоқлардаги корхоналар мажмуида ифодаланган туризмни ҳудудий ташкил этиш шаклидир. Минтақавий туристик кластерларнинг ўзига хос хусусиятлари бирлаштирилган корхоналар ўртасида горизонтал равишдаги алоқаларни ўрнатишдан иборат. Бу кластер иштирокчиларнинг кооперацияси ва уларнинг рақобати асосида яратилиб, барча уюштирилган корхона ва ташкилотлар умумий мақсадга эришиш учун ишлайдилар.

“Туристик ҳудуд” туризм соҳасида “стратегик бизнес бирлиги” сифатида намоён бўлади ва кластер усулида туристик бизнесни юритишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун туристик кластер моделларини шакллантиришда туристик таклиф билан бир қаторда туристик талабни ҳам ҳисобга олишга имкон берадиган дестинация жиҳатини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу сабабдан, зиёрат туристик кластерларини шакллантиришда янгича ёндашув керак бўлади.

Кластерларни шакллантиришнинг *туристик ҳудудий (дестинацион)* моделлари туристлар ташриф буюрадиган маҳаллий ҳудуд (жой) лари негизида кластерларни яратиш билан тавсифланади. Чунки, саёҳат ва зиёрат маълум бир диққатга сазовор ва муқаддас жойларда амалга оширилади. Одатда, сайёҳлар ва зиёратчилар саёҳат ва зиёрат қилиш учун бир неча жойларни танлаб борадиган жойининг туристик дестинациясини шакллантирадилар.

Ҳудудий туристик кластернинг туб белгиларидан бири, унинг жойларда маҳаллийлаштирилганлигида намоён бўлади. Кластер доирасида маҳаллийлаштириш ички гуруҳда умумий, кўпинча ноформал, интенсив ва чамбарчас боғланганликни ифодалайди. Маҳаллийлаштириш туфайли кластер қатнашувчилари ўртасида ғоялар, янги технологиялар тўғрисидаги ахборотларни ўртоқлашиш имкони пайдо бўлади. Шу сабабдан кластерлар, биринчи навбатда ҳудуд даражасидан ривожланиб борадилар[5].

Туристик кластерлар муайян ҳудуд билан бевосита боғлиқлиги туфайли “туристик дестинация” тушунчасининг таркибий қисми сифатида амал қилади. Яъни, туристик кластерлар туристик дестинацияларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Хорижий сайёҳлик бизнеси тажрибасида айнан дестинация туризмнинг асосий элементи ва унинг рақобат устунлигини таъминловчи омил сифатида тан олинади[3].


Туристик кластерни шакллантиришнинг тўрт қатламли дестинацион ёндашувини инobatга олган ҳолда ва зиёрат туристик кластерининг органик тузилишдан келиб чиқиб муқаддас жойларнинг “кластербоп зиёратгоҳ” аниқловчиси

(детерминанти) негизда, биз “Зиёрат туристик кластерини шакллантиришнинг “ақлли” туристик ҳудуд (дестинацион) модели”ни қуйидаги кўринишда тавсия этамиз (1-расм).

1-расмдан кўриниб турибдики, зиёрат туристик кластерини шакллантиришнинг “ақлли” туристик ҳудуд модели кластернинг территориал ва тармоқ жиҳатларини акс эттирадиган иккита нисбатан мустақил қисмлардан иборат:

биринчиси, туристик ҳудудда АКТ ва Интернет имкониятларидан кенг фойдаланиш оқибатида “ақлли” зиёрат ҳудудини шакллантириш. “Ақлли” зиёрат ҳудудининг мазмун-моҳияти, уч даражали смарт модели ва кластер шакллантирувчи хусусияти диссертациянинг 1.3 параграфида батафсил ёритиб берилган. Муқаддас жойларни зиёрат кластерларга айлантириш натижасида кластербоп “ақлли” зиёрат ҳудудлари вужудга келади ва улар кластер шакллантирувчи таянч асос сифатида хизмат қиладилар;

иккинчиси, зиёрат туристик хизматлар кўрсатувчи фирмалар ичидаги қўшилган қиймат занжирларини яратиш. “Қўшилган қиймат занжири” М.Портер таъбирига кўра, “компаниянинг ўз маҳсулотларини яратиш, ишлаб чиқариш, маркетинг, етказиб бериш ва хизмат кўрсатишга қаратилган турли тадбирлари мажмуи” [1], деб тушунилади. Қўшилган қиймат занжири кластер доирасида хўжалик юритувчи субъектларининг қийматини кўпайтириш имконини яратади.



1-расм. Зиёрат кластерини шакллантиришнинг “ақлли” туристик ҳудуд (дестинацион) модели¹

Хулоса ва таклифлар. Зиёрат туристик хизматларини кўрсатиш жараёнида яратилган қўшимча қиймат қанчалик юқори бўлса, кластерда тадбиркорлик фаолияти шунчалик самарали бўлади. Шунинг учун қўшилган қиймат занжирларини яратишга қодир зиёрат туристик хизматлар кўрсатувчи фирмаларнинг бирлашуви эвазига зиёрат туризмни ташкил этишнинг кластер шаклини вужудга келтиради.

Зиёрат ҳудудларни зиёрат кластербоплик даражасини аниқлаш методологияси ва мезонларини ишлаб чиқиб, улар асосида муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплигини тўртта:

- 1) “муқаддас маскан”;
- 2) “диққатга сазовор муқаддас жой”;
- 3) “жозибадор зиёрат ҳудуди”;
- 4) “кластербоп зиёратгоҳ” сифат даражаларига бўлинган.

Муқаддас жойларнинг бундай таснифлаш зиёрат кластерининг пойдеворини яратиш, унинг сарҳадларини аниқлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

- [1] Портер М. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость. М.: Альпина Паблишер, 2016. С.73.
- [2] Enright M.J. Survey of the Characterization of Regional Clusters: Initial Results. Working Paper \ Institute of Economic Policy and Business Strategy: Competitiveness Program University of Hong Kong. 2000. 21 p. P: 2.
- [3] Ritchie B.J.R., Crouch J.I. The competitive destination: a sustainable tourism perspective. UK, CABI Publishing. Wallingford. 2003.172 p.
- [4] Митрофанова А.В. Региональный туристский кластер как форма пространственной организации туризма (на примере Калининградской области). Автореферат дисс...к.г.н. Калининград.2010.24 с. С.4.
- [5] Миролюбова, Т.В. Закономерности и факторы формирования и развития региональных кластеров: монография/ Т.В. Миролюбова, Т.В. Карлина, Т.Ю. Ковалева; Перм. гос. нац. иссл.ун-т. Пермь, 2013 – 283 с.
- [6] Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида): иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – С.: СамИСИ, 2017. - 265 б.;
- [7] А.М.Абдувоҳидов, Ф.С.Қутлимуротов “Туризм иқтисоди” Ўқув қўлланма. – Тошкент-2011. 105 бет;
- [8] Голышева Е.В., Хужаназарова Н. “Научно-образовательный туристский кластер:новый механизм инновационного управления на примере Узбекистана”: (scholar.bpengi.com).– 290 с.;
- [9] Жалолитдинова Х., Нурматова С. Туризм в Узбекистане после COVID-19. //Научно-электронный журнал «Экономические и инновационные технологии», 2021. - № 1 (январь-февраль). – С. 333-341;
- [10] Safarova N.N. Iqtisodiyotning barqaror rivojlanishiga turizm sohasi ta’sirini baholash usullarini takomillashtirish: i.f.d.. dokt. dissertatsiya avtoref. – Tashkent, 2018;
- [11] Тураев Б.Х. Развитие организационно-экономических механизмов управления региональным туризмом: Автореф... докт. экон. наук. – Т., 2011. – 52 с.;
- [12] Hamidov O.H. O’zbekistonda ekologik turizmni rivojlantirishni boshqarish mexanizmini takomillashtirish. Iqt. fan. dokt. (DSc) diss... avtoreferati. – Samarqand, 2017.- 7 b.